

PAPER

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Пулатов Дилшод Хақбердиевич, ^{1,*}, Маматкулов Салимжон
Рахмонкулович ², Хужамурадов Аброрбек Рўзимурат ўғли²

¹ проф., DSc., Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари
институтининг директорининг биринчи ўринбосари

² Солиқ, божхона ва тариф сиёсатини такомиллаштириш лойиҳаси бўлим бошлиғи, мустақил изланувчи

* pulatov@gmail.com

Abstract

Мақолада республикамизда яширин (соядаги, хуфиёна) иқтисод кузатилаётган асосий соҳаларга (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизматлар ва саноат) тўхталиб ўтилган. Шунингдек ушбу мақолада яширин иқтисодиётга қарши курашиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натажадорлиги, бироқ мазкур чоралар натижасида маълум рисклар ҳам пайдо бўлишини инобатга олган ҳолда баъзи таклифлар ишлаб чиқилган.

Key words: яширин иқтисодиёт, қурилишда яширин иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги яширин иқтисодиёт, нақдсиз тўловлар, алкоголь воситалар, солиқ ислоҳоти.

Кириш

Бизга маълумки мамлакат ҳар томонлама ривожланиши учун асосий омиллардан бири молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Бу хоҳ иқтисодий хоҳ ижтимоий соҳа бўлишидан қатъий назар молиявий томондан қўллаб қувватлаш долзарб масала ҳисобланади. Барча соҳаларнинг барқарор ривожланиши учун мамлакатнинг иқтисодий ўсиш даражаси юқори

бўлиши лозимлиги барчага маълум. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳатлардан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодий барқарорликка эришиш орқали инфляция даражасини пасайтириш, камбағалликни ва ишсизлар сонини қисқартириш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

Compiled on: February 2, 2026.

Copyright: ©2026 by the authors. Submitted to Advances in Science and Sustainability for possible open access publication under the terms and conditions of the [Creative Commons Attribution \(CC BY\) 4.0 license](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/).

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ҳамда бизнес юритишда рақобат муҳитини янада ривожлантириш, мамлакатимизда яширин иқтисодий улушини қисқартиришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳамда бизнесни соядан чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги ПФ-246-сон Фармони билан бир қатор янгиликлар жорий этилишининг салбий ва ижобий оқибатлари ўрганилди. Шунингдек, муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири И.Абдурахмонов “2026 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҚҚСнинг бекор қилиниши республикадаги барча фермерларнинг ярмига, яъни тахминан 48 минг нафар фермерларга таъсир кўрсатишини таъкидлади. Башоратларга кўра, ушбу чора туфайли қишлоқ хўжалигидаги рентабеллик даражаси ҳозирги 5–7 фоиздан келажакда 15 фоизгача кўтарилади” деган фикрни билдирган.

Савдо-саноат палатаси раиси Д.Ваҳобов “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари(пахта ва ғалладан ташқари) бўйича ҚҚСнинг ҳисобга олинмаслиги тадбиркорларни расмий иқтисодидан узиб қўйилишини, янги ўзгариш эса фермерларга нақд пулдан воз кечиш, хуфиёна фаолиятдан чиқиш ва такрорий экинлар етиштириш имконини бериши мумкинлигини таъкидлади”.

Таҳлил ва натижалар

Сўнг йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар Президентимиз томонидан чиқарилган қарорлар натижасида сезиларли даражада иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Мисол тариқасида 2014 йилда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 210,9 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2024 йил якуни билан бу кўрсаткич 1 535,4 трлн.сўмни ташкил қилиб 1 324,5 трлн.сўмга ёки етти баробардан ошиқроққа ўсишга эришилган.

Бироқ ҳар қандай ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришиш учун, аввало мавжуд

муаммоларни бартараф этишга қаратилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бугунги кунда республикада иқтисодий ривожланиш жараёнлари кузатилаётган бўлсада, мазкур ривожланишнинг янада жадал ва барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан бири сифатида яширин ва норасмий иқтисодий улушининг юқорилиги сақланиб қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, ўрмон, балиқчилик соҳасида яфширин иқтисодий улуши энг юқори бўлиб (63,6%) ёки 321,6 трлн сўмни ташкил қилмоқда шу каби қурилиш соҳасидаги яширин иқтисодий улуши (41,3%) ёки 209,09 трлн сўмни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоғида норасмий фаолият ҳажми ЯИМнинг деярли ярмига яқин қисмини ташкил этмоқда. Бу, хусусан, экинларни тўлиқ кўрсатмаслик, товарларни нақд пулда сотиш, рухсатсиз объектлар, субпудрадчилар тармоғи ва нақд пул операциялари орқали яширилган ишларни англатади.

Республикада яширин ва норасмий иқтисодий улушини қисқартириш юзасидан кўплаб чоралар ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодий улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-246-сон Фармони қабул қилиниб, фармонда ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга ва изчил давом эттиришга доир энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу фармонни қабул қилиниши натижасида 2030 йилга қадар яширин иқтисодий улушини қисқартиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгиланган:

(а) ялпи ички маҳсулотга нисбатан кузатилмайдиган иқтисодий улушини 1,3 бараварга қисқартириш;

(б) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳоли томонидан тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш улушини 75 фоизга етказиш;

(в) иқтисодийнинг расмий секторида банд аҳолининг жами иқтисодий фаол аҳолига нисбатан улушини 64 фоизга етказиш;

(г) Иқтисодий эркинлик индекси ва Коррупцияни идрок қилиш индексида Ўзбекистон Рес-

Таблица 1. 2024 йилда жами кузатилмайдиган (яширин) иқтисодиётнинг тармоқлар кесимида улуши

Тармоқ номи	Кузатилмайдиган ҳажм (сўм)	ЯИМдаги улуши (%)
Қишлоқ хўжалиги, ўрмон, балиқчилик	321,58 трлн	63,6
Қурилиш	209,09 трлн	41,3
Хизмат кўрсатиш	202,99 трлн	40,1
Саноат	45,09 трлн	8,9
Жами	505,65 трлн	34,8

публикасининг ўрни камида 30 поғонага кўтарилишига эришиш. Фармонга асосан 2026 йил 1 апрелдан айрим тўловлар фақат банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилади.

Улар қаторига давлат хизматлари учун тўловлар, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувига тўловлар (банк кассаларидан ташқари), алкоголь ва тамаки маҳсулотлари хариди, АЁҚШ ва электр транспорт воситаларини зарядлаш киради. Қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари) фақат нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Ҳужжатга мувофиқ, кўчмас мулк объектлари ва М, N, O тоифали (ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошмаган) автотранспорт воситаларини, шу жумладан, махсус техника харидини амалга оширишда тўловлар фақат банк ўтказмалари орқали қабул қилинади.

Бунда:

олди-сотди шартномалари бўйича сотувчи ва харидор ўртасидаги ҳисоб-китоблар банк ва нотариал органларнинг ахборот тизимлари ўртасидаги маълумот алмашинуви орқали амалга оширилади (бундан банк кассалари орқали амалга ошириладиган ловлар мустасно);

шартномаларни нотариал тартибда расмийлаштириш учун тижорат банклари ва тўлов ташкилотлари томонидан электрон ахборот алмашинуви воситасида тўловни тасдиқловчи маълумотлар асос бўлади.

Марказий банк 2026 йил 1 январга қадар барча савдо ва хизмат курсатувчи юридик шахслар томонидан электрон ловларни қабул қилиш учун ягона QR кодни жорий қилади.

2026 йил 1 июлдан бошлаб:

барча савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги юридик шахсларда ягона QR кодли тўлов тизими орқали тўловларни қабул қилиш ҳам мажбурий этиб белгиланади. Ягона QR кодлардан фойдаланилмаётганлиги савдо қоидаларини бузиш

деб ҳисобланади.

Шунингдек, 2026 йил 1 январдан бошлаб:

импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг тўққиз ой (гўшт ва хўл мева-сабзавотларнинг уч ой) давомида сотилмаганлиги ва қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг беш юз бараваридан ортиқ бўлган ушбу маҳсулотлар қолдиқда турганлиги ҳолати сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос ҳисобланади;

кўчмас мулк объектлари ва қурилиш материаллари бўйича солиқ солиш базаси ушбу товарларнинг бозор баҳосидан келиб чиқиб аниқланади;

қурилиш ва савдо соҳаларидаги юридик шахслар томонидан ўзларининг устав капитали ва ундаги ўзгаришлар, шу жумладан, устав капиталига киритилган товарлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳисоби юритилади ва мазкур турдаги операциялар амалга оширилгандан сўнг 15 кун муддатда шахсий кабинет орқали солиқ органлари маълумотлар базасида мажбурий акс эттирилади;

Транспорт вазирлиги тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда 2026 йил 1 апрелга қадар юк ташиш ва махсус автотранспорт воситалари хизматлари қисобини онлайн юритишни назарда тутувчи электрон платформанинг ишлаб чиқиши белгиланди.

Ушбу қабул қилинган қарор ва фармонларда мамлакатимиз иқтисодий барқарор ривожланиши ва яширин иқтисодиёт кўламини кескин қисқартириш учун муҳим вазифалар мақсад қилиб олинган.

Албатта тўловларнинг электронлашуви онлайн платформаларнинг яратилиши бу бизнесга қулай шароит яратибгина қолмай мамлакатимизда яширин иқтисодиётни қисқартиришда юқори самара бериувчи тизим бўлиб хизмат қилади.

Тўловларнинг электронлашувига тўлиқ эриши бу мамлакат иқтисодиётида хуфиёна иқти-

содиёт дияри мавжуд эмас деган хулосани берди чунки электрон тўловларни банкдан ташқари айлантириш деярли имконсиз. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина ривожланган давлатлари яширин иқтисодиётдаги муаммони барта раф этишнинг самарали ечими сифатида электрон тўлов ва электрон валюта тизмига ўтишни маъқул кўрмоқда ва бу ўз самарасини ҳам бермоқда деб айтишимиз мумкин.

Бироқ шуни ҳам унитмаслик лозимки, Фармонда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муаммолар ҳам келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Юқорида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларга тўхталиб ўтамиз:

1. Нақд пулсиз тўловларга тўлиқ ўтишдаги муаммолар

Қишлоқ жойларда банк карталари, интернет ва смартфонлардан фойдаланиш даражаси паст.

Ёши кекса аҳоли ва аҳолининг рақамли саводхонлиги паст шахслар электрон тўловларга мослаша олмаслиги.

Электр, газ, сув учун банк кассасидан ташқари тўловларда техник узилишлар аҳолини қийин аҳволга солиши мумкин.

Электрон тўлов тизимларида комиссиялар аҳоли норозилигини келтириб чиқариши мумкин.

Кичик бизнес учун техник хизмат ва дастурий таъминот қимматлиги;

2. Қиймати 25 млн сўмдан юқори битимларни нақдсиз қилиш

Айрим бозор сегментлари (мебель, қурилиш, хизматлар) нақд пулга ўрганиб қолишган.

Айрим тадбиркорлар қийматни сунъий равишда бўлиб кўрсатиш орқали ушбу нормадан қочишга уринади.

3. Кўчмас мулк ва автотранспорт тўловларини фақат банк орқали амалга ошириш

Банк – нотариус – солиқ ахборот тизимлари ўртасида тўлиқ онлайн интеграция йўқлиги.

Техник носозликларда битимлар тўхтаб қолиши эҳтимоли мавжуд.

Айрим ҳолларда битим суммасини пасайтириб кўрсатиш амалиёти сақланиб қолиши мум-

кин.

4. Ягона QR-код тизимини жорий этишдаги муаммолар

Аҳолининг кўпчилик қисми ва кичик савдо нуқталарида QR-коддан фойдаланишни билмаслик.

Интернет тезлиги паст ҳудудларда QR орқали тўловлар секин ишлаши.

5. Солиқ назорати кучайиши билан боғлиқ муаммолар

5.1. Импорт озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича

Мавсумий маҳсулотлар учун сақланиш муддатини сунъий равишда ҳисоблаш муаммолари.

Текширувлар коррупция хавфини ошириши мумкин.

Бозорда нарх тушиши натижасида маҳсулот сотилмай қолиши тадбиркор айби эмас, бу текширув сабабига айланиб қолмоқда.

5.2. Қурилиш ва кўчмас мулкда бозор баҳосини белгилаш

Солиқ органи ва тадбиркор ўртасида баҳолаш бўйича низолар кўпайиши мумкин.

Айрим ҳудудларда реал бозор баҳосини аниқлаш қийин.

6. Юк ташиш ва махсус транспорт ҳисобини онлайн юритиш

Ноқонуний ёки ярим қонуний ташувчилар тизимдан четда қолиши мумкин.

GPS, онлайн ҳисоб, дастурлар учун қўшимча харажатлар вужудга келиши мумкин.

7. Жисмоний шахслар даромад декларацияси (тажриба-синов)

Аҳолининг катта қисми даромад – харажатлар декларацияси тушунчасига тайёр эмас.

Нақд пулда қилинган харажатларни аниқ ҳисобга олиш қийин.

Ахборот хавфсизлиги ва шахсий маълумотлар махфийлигига ишонч паст.

Хулоса қилиб айтганда, яширин иқтисодиёт улушининг юқорилиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг барқарорлигига, давлат бюджети даромадларининг шаклланишига ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу муаммони ҳал этишда фақат маъмурий чоралар билан чекланиб қолмасдан, иқтисодий рағбатлантириш

механизмларини такомиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг шаффофлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онги ва иқтисодий маданиятини ошириш, рақамли технологияларни жорий этиш орқали ҳисоб-китоблар шаффофлигини таъминлаш, давлат назорати тизимини самарали ташкил этиш яширин иқтисодиётни қисқартиришга хизмат қилади. Мазкур чора-тадбирларни комплекс ва изчил амалга ошириш орқали иқтисодиётда расмий сектор улушини кенгайтириш, инвестицион муҳитни яхшилаш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш имконияти яратилади.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади.

- Қишлоқ жойларда ёки интернет алоқаси яхши бўлмаган жойларда вақтинчалик **“офлайн тўлов”** режимини сақлаб қолиш.

- Коммунал ва давлат хизматлари бўйича электрон тўлов комиссияларини қонун билан фойсиз амалга оширилишини белгилаш.

- Умумий даромадида QR орқали тўлов улуши 80 фоиздан ошган тадбиркорлик субъектларига солиқ ставкасидан вақтинча чегирмалар бериш.

- Кўчмас мулк ва автотранспорт битимлари бўйича интеграция қилинган онлайн платформа техник узилишда ёки тизим ишламас, банк кассаси орқали тўловни амалга оширганда битимни тасдиқлашни жорий этиш.

- Бозор баҳосини ҳисоблашда ҳар бир ҳудуд учун очиқ баҳолар реестрини жорий этиш.

- Импорт маҳсулотларида айрим товарлар учун сақланиш муддатидан келиб чиқиб, бозор конъюнктурасини (сотилиши) инобатга олиш лозим.

- Бир ой давомида фуқаронинг пластик карточкасидан 30 та ва ундан ортиқ транзакция амалга оширилганида ёки 50 млн.сўмдан ортиқ сумма ушбу пластик карточкага келиб тушганда пластик карточка эгаси тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни Марказий банк Солиқ қўмитасига тақдим этишни жорий этиш.

Бунда:

тўлов ташкилотлари (Payme, Click ва бошқа мобил иловалар)га фуқаро пластик ‘карточкасидан тўловни амалга ошираётганида тўлов мақсади (харид ёки хизмат, қарз, хайрия ва бошқа-

лар)ни кўрсатиш мажбурий катакчаси(поля)ни яратиш вазифасини юклаш;

тўлов ташкилотлари зиммасига фуқаро пластик карточкасидан тўловни амалга ошираётганида кўрсатилган тўлов мақсадидан фақат харид ёки хизмат учун амалга оширилган тўлов тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни Солиқ қўмитасига тақдим этиш мажбуриятини юклаш.

Солиқ қўмитаси ушбу маълумотларга аниқлик киритган ҳолда декларация асосида солиққа тортиш тизимини йўлга қўйиш лозим.

- Банкоматлардан нақд пул ечиб олишда бир ой учун 50 млн.сўм миқдорида чеклов белгилаш.

- Аҳоли ва тадбиркорлар орасида электрон тўлов тизимларидан фойдаланишнинг афзалликлари, хусусан яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ тушумларини барқарор оширишдаги ўрни ҳақида тизимли тушунчани шакллантиришга қаратилган кенг қамровли рақамли молиявий саводхонлик дастурларини жорий этиш зарур.

- Хорижий мамлакатларда барча тўйлар меҳмонхоналарда ўтказилади. меҳмонхоналарда эса ресторанлар кўпи билан 250 одамга мўлжалланган бўлади. Тўй тадбирларини тартибга солиш бўйича ҳукумат қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг салоҳиятидан ҳамда тўй хизматлари ўтказиш учун мўлжалланган одам сонидан келиб чиқиб, минимал солиққа тортиш минимумини жорий этиш;

Наҳорги ош ва кечки базм учун алоҳида солиқ ставкаларини жорий этиш;

Тажриба тариқасида Тошкент шаҳар ва вилоят марказларидаги тўйхоналар учун қилинадиган тўловларни фақат нақд пулсиз (электрон) шаклда амалга оширишни жорий этиш.

Шунингдек, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш ва дабдабозликни олдини олиш мақсадида тўйхоналардан (супер маркет, гипермаркет, маданият саройи, концерт ёки кино залларига айлантириш ёки ҳудуд жойлашувидан келиб чиқиб бошқа маданий хизмат кўрсатиш фаолиятларига мослаштириш ишларини босқичма-босқич ўтказиш) бошқа тадбиркорлик фаолиятида самарали фойдаланиш чора - тадбирларини белгилаш.

Шу каби, маҳалла марказларида тўй тадбир-

лари ўтказиш учун мўлжалланган жойларда ташкил этилган автотураргоҳларни бошқа жойларга кўчириш орқали тўй тадбирларини ўтказиш жойларини қайта тиклаш.

– Йирик нақд (хорижий) пул айланмаси мавжуд бўлиб, хизмат кўрсатишдан тушган тушумни яшириш ҳолатлари кўп учрайдиган тўй тадбирларига таклиф этиладиган санъаткорларга тўловларни шартнома орқали нақдсиз тўлов кўринишда ҳисоб-рақамига амалга оширишни жорий этиш.

Қозоғистон тажрибаси мисолида Ўзбекистонда ҳам даромадлар ва харажатларни босқичма – босқич умумдекларациялаш механизмини жорий этиш лозим.

Жумладан,

1 – босқичда 2027 йилдан бошлаб – давлат хизматчилари ва уларнинг турмуш ўртоқлари;

2 – босқичда 2028 йилдан:

– Юридик шахсларнинг раҳбарлари, таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг турмуш ўртоқлари;

– Якка тартибдаги тадбиркорлар ва уларнинг турмуш ўртоқлари. 3-босқичда 2029 йилдан – аҳолининг барча қатламини умумдекларациялаш тизимига ўтказиш мумкин.

Ушбу тизим жорий қилиниши натижасида коррупциявий ҳолатларнинг олди олинишига, солиқ маъмурчилиги харажатлари тежалишига ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида инсон омилисиз солиқ назорати қамрови кенгайиб, солиқ солиш базаси кўпайишига эришилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 10.12.2025йилдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-246-сон фармони
2. <https://www.uzdaily.uz/uz/kuzatilmaydigan-iqtisodiyot-hajmi-505-trln-somdan-oshdi/>
3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари
4. Миллий статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари

5. Pulatov D. et al. O‘zbekistonda investitsion jozibadorlikning ortib borishi jahon miqyosida joriy etilayotgan business ready reytingidagi baholash natijalarida yaqqol namoyon bo‘lmoqda //MUHANDISLIK VA IQTISODIYOT. – 2025. – T. 3. – №. 11.
6. Pulatov D, Qulliyev UB, Mamanov A. O‘zbekistonda yashil budjetlashtirish, energiya samaradorligi va issiqxona gazlari emissiyasi. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT. 2024 Mar 30;1(3).
7. Pulatov, D., Voronin, S. & Otabekov, O., 2022. Impact Of Trade Policy Liberalization On Chemical Industry: Case Study Of Uzbekistan. IFRS: GLOBAL RULES & LOCAL USE – BEYOND THE NUMBERS, Volume 10. Available at: <https://www.aauni.edu/wpcontent/uploads/2022/10/ifrs2022-book-of-abstracts-1.pdf>